

УДК: 633.161-633.162;631.527.4

**АРПА НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИНГ БИОМЕТРИК
КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛАШ**

Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институти

Техник ва озуқа экинлар селекцияси лабораторияси

мудирлари : Қўйлиев Нурислом Даврон ўғли

Махмудов Уткир Хаидарович қ.х.ф.ф. доктори., к.и.х. (PhD)

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали доценти

Аннотация: Республикамизнинг жанубий минтақаси хусусан, Қашқадарё вилоятида об-ҳавонинг мунтазам ўзгариб туриши, баъзи дехқончилик йилларида табиат ва иқлим қийинчиликлари галлакорлар иродасини синовдан ўтказмоқда. Ана шундай иқлим шароитларида ҳам арпа етиштириши, арпадан мўл ҳосил олиши, униб чиққан арпа ҳосилини талофатларсиз парвариши қилиши, эртапишар ва керакли ҳосил олишга тайёрлаш дехқонларимизга улкан масъулият юклаб келмоқда.

Калит сўзлар: арпа, нав, тизма, жанубий минтақа, ўсимлик бўйи, биометрик ўлчов, ҳаво ҳарорати

Аннотация: Регулярные погодные изменения в южном регионе нашей республики, особенно в Кашкадарьинской области, природно-климатические трудности в отдельные сельскохозяйственные годы испытывают волю хлеборобов. Даже в таких климатических условиях выращивание ячменя, получение обильного урожая с ячменя, уход за пророщенным урожаем ячменя без потерь, ранний посев и подготовка к желаемому урожаю возлагают на наших аграриев большую ответственность.

Ключевые слова: ячмень, сорт, гряда, южный регион, высота растений, биометрические измерения, температура воздуха.

Annotation: Regular weather changes in the southern region of our republic, especially in the Kashkadarya region, natural and climatic difficulties in some agricultural years test the will of the grain growers. Even in such climatic conditions, growing barley, getting a bountiful harvest from barley, caring for a germinated barley crop without losses, sowing early and preparing for the desired harvest place a great responsibility on our farmers.

Key words: barley, variety, ridge, southern region, plant height, biometric measurements, air temperature.

Кириш: Республикамизда арпа навлари уруғини экиш куруқ ва иссиқ харорат, фотосинтетик радиация йиғиндиси юқори бўлиши натижасида иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли бўлган навларни яратишга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Янги серҳосил юқори сифатли ва юқори маҳсулдорлик имкониятларига эга касалликлар ва ташқи ноқулай шароитларга чидамли навларни яратиш учун энг аввало мазкур талабларга тўла жавоб берадиган бошланғич манбаларни аниқлаш ва улар асосида янги селекцион навларни яратиш селекционер олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади[1].

Тадқиқотнинг мақсади: Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ва лалмикор майдонлари учун қурғоқчилик, иссиқликка, гармсел ва ётиб қолишга чидамли, йиллар давомида муқобил ҳосил берадиган интенсив типли ва эртапишар арпанинг янги навларини ҳамда бошланғич ашёларини яратишдан иборат.

Тадқиқот услублари: Фенологик кузатув, дала ва лаборатория таҳлиллари «Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуби» (1984 й), биометрик таҳлиллар «Қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш давлат комиссиясининг услуби» Маълумотларнинг статистик

таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985 й), Microsoft Excel –Анализ данных (2010 й) усулидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари: Мамлакатимиз ғаллакорлари ялпи дон салмоғини ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ўтказилаётган илмий изланишлар, илғор хўжаликлар тажрибалари суғориладиган майдонларда ҳосилдорликни 50-60 ц/га, лалми майдонларда эса ҳосилдорликни 25-30 ц/га ва ундан ҳам ошириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Аммо, кейинги йилларда кўпгина суғориладиган ерларда арпа ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 30-35 ц/га, лалми майдонларда эса 10-15 ц/га дан ошмаётганлиги аниқланди. Юқоридаги муаммоларни инобатга олган ҳолда, Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг Қарши тумани суғориладиган тажриба майдонида 2023 йил ҳосили учун арпанинг 20 та нав ва тизмалари 3 қайтариқда 30 м² майдонга маҳсус селекцион сеялка ёрдамида экиб илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, арпа нав ва тизмаларининг ўсимлик бўйи йиллар бўйича ўртача 98,1 см дан 120 см гача бўлган бўлса, бунда андоза “Воха” навининг бўйи 103,4 см, “Қизилқўрғон” навида 100,8 см ва “Ихтиёр” навида эса 102,2 см бўлганлиги биометрик ўлчовлар натижасида аниқланди андоза навлардан ўсимлик бўйи баланд бўлган тизмалар сони 6 тани ташкил қилди ва бу тизмаларнинг бўйи ўртача қайтариқлар бўйича 112,1 см дан 120 смгача бўлганлиги тадқиқот олиб борилган йилда кузатилди.

Ўсимликларни қурғоқчиликка чидамлилигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири, бу ўсимликдаги охириги бўғин узунлиги билан ифодаланади [2].

Арпа нав ва тизмаларининг охириги бўғин узунлиги қайтариқлар бўйича таҳлил қилинганда андоза “Воха” навида 35,3 см, “Қизилқўрғон” навида 37 см, ва “Ихтиёр” навида 39,2 см ни ташкил қилганлиги аниқланди. Андоза навларидан охириги бўғин узунлиги юқори бўлган тизмалар сони 6 тани ташкил қилди. KR19_SEL50-26 тизмасида 45,4 см, KR17BRaqYT-P-29

(Осиё) тизмасида 42,2 см, KR18_IBYT-1 тизмасида 47,9 см, KR18_IBYT-3 тизмаларида 47,3 см KR19_SEL50-23 тизмасида 49,1 см ва Kp_Арпа_2016-4_(Султон) тизмасида 48,4 см ни ташкил қилиб, йиллар бўйича андоза навларидан 3-11,9 см юқори бўлганлиги ўтказилган биометрик ўлчовлар натижасида аниқланди (1-жадвал).

М.Шералиев ва П.Бобоевларнинг (2012 й) тақидлашича, арпа ўсимлигининг биологик нав хусусиятларига кўра баъзи бир арпа навларининг бўйи баланд, аммо мустаҳкам бўлмаган пояга эга бўлиб, бошоғи салмоқли бўлади. Бундай ҳолатда ҳаттоки кучсиз шамол таъсирида ҳам улар ётиб қолиши мумкин [3].

Тадиқотлар давомида арпанинг нав ва тизмаларининг бошоқдаги бошоқчалар сони йиллар бўйича таҳлил қилинганда, андоза Воха навида 26 та, “Қизилқўрғон” навида 34 та ва “Ихтиёр” навида 28 та бошоқчалар борлиги биометрик таҳлиллار натижасида аниқланди. арпанинг андоза навларидан бошоқдаги бошоқчалар сони юқори бўлган тизмалар сони 6 тани ташкил қилди.

1-жадвал

Арпанинг нав ва тизмаларининг охириги бўғин узунлиги ва бошоқ узунлиги, см (Қарши 2023 й).

Plots	Номи ва келиб чиқиши	Ўсимлик бўйи,	Охириги бўғин	Бошоқ узунлиги	Бошоқчалар
1	Воха (андоза)	103,4	35,3	9,9	26
2	KR18_BYT_Naz-17	100,6	34,7	9,3	26
3	KR18_IBYT-2	103,6	30,3	6,4	38
4	KR19_SEL50-26	116,3	45,4	9,4	30
5	Kp_Арпа_2016-4_(Султон)	112,1	48,4	7,4	39
6	KR18_BYT_Naz-19	102,2	32,9	9,8	28
7	KR18_IBYT-3	115,4	47,3	7,7	46
8	KR19_SEL50-27	104,0	31,4	9,3	26
9	Қизилқўрғон (андоза)	100,8	37,0	6,8	34
10	KR18_BYT_Naz-7	98,9	30,9	9,9	28
11	KR19_SEL50-13	103,0	27,4	9,9	26

12	KR19_SEL50-40	98,1	37,7	9,7	28
13	Ихтиёр (андоза)	102,2	39,2	10,1	28
14	KR18_BYT_-14	99,6	32,2	6,7	43
15	KR19_SEL50-22	101,4	31,3	9,7	29
16	KR19_SEL50-41	105,7	30,7	10,0	26
17	KR17BRaqYT-P-29 (Осиё)	114,0	42,2	11,7	32
18	KR18_IBYT-1	118,3	47,9	12,4	30
19	KR19_SEL50-23	120,0	49,1	11,2	32
20	KR19_SEL50-42	104,4	32,8	10,1	25
Ўртача кўрсаткич		106,2	37,2	9,4	31
Энг юқори кўрсаткич		120,0	49,1	12,4	46
Энг паст кўрсаткич		98,1	27,4	6,4	25

Хулоса ва таклифлар: Хулоса қилиб айтиш мумкинки, олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра биометрик кўрсаткичлари андоза навларидан юқори бўлган . KR19_SEL50-26, KR17BRaqYT-P-29 (Осиё), KR18_IBYT-1, KR18_IBYT-3, KR19_SEL50-23 ва Kr_Арпа_2016-4_(Султон) тизмалари танлаб олинди ва селекциянинг кейинги босқичига ўтказилди. Арпадан мўл ва сифатли дон ҳосили олиш учун биометрик кўрсаткичлари юқори, қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамли бўлган бошланғич ашёларини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Артикова Р. Қишлоқ хужалик биотехнологияси. Дарслик.Тошкент 2010й. 74-75 бет
2. Ахмедов М.Г., Арпа селекциясида бошланғич манбаларнинг ахамияти. Ғуза беда селекцияси ва уруғчилигини ривожлантиришнинг илмий асослари. Республика илмий конференция материаллари.Тошкент, 2009 й. 114-116 бет.
3. Ходжакулов Т.Х, Сафаров Т. Ячмени селекции СамСХИ. Сельское хозяйство Узбекистана. 1987.№12. С 22-23.